

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Asaka don mahsulotlari»**  
aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг  
2017 йил 24 апрелдаги навбатдаги умумий  
йиғилиши томонидан

**«Asaka don mahsulotlari» aksiyadorlik jamiyati**

**У С Т А В И**

(янги таҳрири)

**Асака тумани – 2017 й.**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

-лотин алифбосида - “Asaka don mahsulotlari” aksiyadorlik jamiyati

-кирилл алифбосида - “Асака дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти

Рус тилида: - акционерное общество “Асака дон маҳсулотлари”

Инглиз тилида: Joint stock company - “Asaka don mahsulotlari”

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи :

Ўзбек тилида :

-лотин алифбосида-“Asaka don mahsulotlari” AJ

-кирилл алифбосида- “Асака дон маҳсулотлари” АЖ

Рус тилида : АО “Асака дон маҳсулотлари”

Инглиз тилида: JSC “Asaka don mahsulotlari”

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Асака тумани, Саноатчи кўчаси, 86-уй. Индекс: 170202.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: [asakadon@mail.ru](mailto:asakadon@mail.ru)

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.asakadon.uz](http://www.asakadon.uz).

## II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларни олиши хамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган холда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташкарида банк хисобвараклари очишга хаклидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган хамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок мухрга эга бўлиши лозим. Мухрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда хам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига хамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга хақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлик заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг хақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш хуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриқонуний харакатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик

юктатилиши мүмкін. Акциядор мажбурий күрсатмалар бериш хукуқига ушбу уставида бу хукуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.11. Жамият учун мажбурий күрсатмалар бериш хукуқига эга бўлган акциядор жамият муайян харакатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу хукуқидан жамият томонидан шундай харакат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг харакатлари туфайли юзага келган деб хисобланади.

2.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият хам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

3.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қўйидаги турларини амалга оширади:

-ҳалқ хўжалигини, аҳолини дон, дон маҳсулотлари, омухта ем билан таъминлаш учун шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

-корхоналарни кенгайтириш, қайта тузиш, янги техника билан жихозлаш, ишлаб чиқаришни технологик томондан такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

-ички ва ташки бозор конюктурасини ўрганиш, ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;

-кисқа ва узоқ муддатли маркетининг программасини ишлаб чиқиш, буюртмалар тўплами тайёрлаш, жойлаштириш, маҳсулотни тижорат қилиш;

-тижорат, савдо ва воситачилик хамда харид қилиш фаолияти билан шуғулланиш;

-турли хил дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва шу жумладан дон, ун, хар хил ёрма дон ва дон маҳсулотлари, омухта емини харидорларга сотиш;

-дон харид қилиш, навли ва дурагай дон уруғларини ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиш, уларни давлат эҳтиёжлари ва бошқа харидорлар буюртмалари асосида етказиб бериш;

-иссиқ нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш хамда маҳсус савдо дўконлари орқали аҳолига етказиш;

-улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш.

-рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ички ташки бозорларда сотиш;

-ўзига қарашли ва жалб қилинган маблағларни корхоналар, фирмалар, чет эл давлатларини хамкорлик лойихаларига, мустақил ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга жалб қилиш;

-ресурсларни тежайдиган технологияни ва илғор техникани жорий қилиш, хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш;

-қурилиш ва таъмирлаш хизматларини кўрсатиш;

-маркетинг изланишларни олиб бориш;

-фирма дўконлари хамда савдо уйлари очиш, кўргазмалар ва савдолар ўтказиш, бозорлардаги савдоларни ўрганиш, реклама фаолияти;

-саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этиш;

-комиссион бошланғичда чет эл ва бошқа фирмалар билан амалий операцияларни амалга ошириш ва контрактлар тузиш;

-дунё бозорларидаги молларнинг ахамияти, моллар ва хизматлар бозорини ўрганиш ва прогнозлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;

-амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспорт ташки иқтисодий фаолият;

-амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспорт-импорт операциялари;

-воситачилик фаолият, савдо-воситачилик ва савдо-харид фаолиятини кўшган холда амалга ошириш;

-транспорт экспедиция хизмати, ахолига транспорт хизмати кўрсатиш. Юк ташиш ва ахоли ташиш: шахар ва шахарлараро, туманлараро, вилоятлараро, МДХ (СНГ) давлатлари аро хамда бошқа чет эллар аро;

-автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари реализациясини амалга оширувчи улгуржи ва чакана савдо тармоқлари, супермаркетлар ташкил этиш, қурилиш монтаж ва таъмирлаш ишларини бажариш;

-автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва турли сервис хизматлари кўрсатиш;

-савдо ва воситачилик, улгуржи ва чакана савдо. Алоҳида турдаги товарлар билан маҳсус рухсатномалар асосида савдо ташкил этиш;

-саноат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғилланиш. Турли иссиқхоналар ташкил қилиш

-умуман маданий ва майший хизмат кўрсатишнинг барча турлари билан шуғулланиш:

-юридик маслаҳатлар марказлари, брокерлик ўринлари, тендер ва бошқа турдаги замонавий маслаҳат марказлари ташкил қилиш ва шуғулланиш, қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш хамда қимматли қоғозлар олиш ва сотиш фаолияти билан шуғулланиш;

-Ўзбекистон Республикаси худудида турли халқ истемол моллари ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш хизматини ташкил этиш;

Маҳсус рухсатнома( лицензия)талаф қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия)олингандан сўнг амалга оширилади.

Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, Компания ишини яхшилаш хамда уларни кўллаб-куватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни хам бажариши мумкин.

#### **IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ**

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамиятнинг Устав фонди 757015200 (Етти юз эллик етти миллион ўн беш минг икки юз) сўмни ташкил қилиб, у хар бирининг номинал қиймати 2700(Икки минг етти юз) сўм бўлган 280376 (Икки юз саксон минг уч юз етмиш олти)дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акцияларга бўлинган.

**Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

- 4.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 4.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.
- 4.5. Жамият устав капиталини ошириш максадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 2700 сўм бўлган 9 000 000 дона оддий акциялардан иборат..
- 4.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайташ тартиби белгиланади.
- 4.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорда кўрсатилган усул билан белгиланган тартибда фуқаролик-хукуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.
- 4.8. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.
- 4.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда пул ёки бошқа воситасилар орқали амалга оширилади.

### **Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

- 4.10. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 4.11. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.
- 4.12. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

- 5.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Акцияларга эгалик хукуқи депо-хисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.
- 5.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.
- 5.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.
- 5.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивиденdlар тўлаш, дивиденdnинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 5.6. Дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивиденdlар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендерни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендерни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

6.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фонdlарни ташкил этади.

6.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендер тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

6.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизи миқдорида жамият захира фонди тузилади.

6.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 6.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

6.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

7.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi ва Ижроия органи (Бошқарув ва унинг раиси).

## **VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан холда жамиятни ўрта ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ҳамда йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

- жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг хисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшлиш;
- аудиторлик текшируванин ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳукуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш;
- қонунчиликда белгиланган холларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисидати Қонуннинг 8-бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган сан ад а жамият соф активлари миқдориқиқ зллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Узбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 9-бобига асосан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида харакат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- Хар йили мустакил профессионал ташкилотлар - маслахатчиларни жалб қилган холда бизнес-жараёнлар ва лойихаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлик битимларни белгилаш;
- Хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Электрон почта орқали (электрон рақами имзо билан тасдиқланган холда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йигилишни видеоконференц-алока тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустакил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслахатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчisi) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- Жамият маблағлари хисобидан миноритар акциядорлар қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- Акциядорларнинг умумий йигилишида хисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (хисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йигилиши давомийлигини белгилаш;
- Қонун хужжатларида акциядорларнинг умумий йигилишини тасдиқлаш.

8.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йигилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун хужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

8.5. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий

йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

8.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун хужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошка қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса. мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида хам жойлаштирилади.

8.7. Акциядорлар, шу жумладан. миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

8.8. Жамиятнинг миноритар акциядорлари хужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

8.9. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низоми асосида чақирилади ва ўтказилади.

## **IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

9.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига таалуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустакил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядорлар томонидан келишилган холда тавсия этапади ва сайланади.

9.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равишда эшлитиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, конунчилиқда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши хақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши хал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамият бошқарув раиси ва унинг аъзоларининг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшлитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувани, шу жумладан ҳалкаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг энг кўп микдорини белгилаш хақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.
- хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат умумий йигилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган доирада бу хакда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;
- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперtlар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва хат этиш ва бошқа масалалар бўйича кўмиталар (ишли гурухлари) ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни хал этиш.

9.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўzlари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласи, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

9.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

9.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда хозир бўлғанларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.10. Жамиятнинг 1 фоиздан кам булмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини

чақиришни талаб килиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш хуқукига эга.

9.11. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа холлар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар хал этилаётганда кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашининг бошқа аъзосига беришига хақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган холда. кенгаш раисининг овози хал этувчи хисобланади.

9.12. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб хисобланмайди.

9.13. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофик Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

9.14. Жамият Кузатув кенгаши мазкур Устав ва умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низоми асосида иш олиб боради.

## X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия органи -Бошқарув томонидан амалга оширилади.

10.2. Жамият бошқаруви 4 кишидан, шу жумладан, бошқарув раиси ва йўналишлар бўйича 3 та директордан иборат.

Жамият бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият бошқарувининг бошқа аъзоларини сайлаш(тайинлаш) Кузатув кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

10.3. Бошқарув Жамиятнинг ижро этувчи органи хисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошақаради ва оператив раҳбарларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофик амалга оширади.

10.4. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига хисбот беради.

10.5. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.7. Жамият Бошқаруви мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

10.8. Жамият Бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

- амалдаги қонунчиликка мувофик Жамиятда бухгалтерия хисоби ва хисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик хисботлар ва бошқа молиявий хисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият тизимиға кируди тармоқ корхоналарининг фаолиятини назорат қилиш;
- Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;
- Ижроия органи тўғрисидаги Низомга мувофиқ Бошқарув ваколатига кируди бошқа масалалар юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш.

10.9. Жамият Бошқарув раиси ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидағи корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;
- штатларни белгилайди, Жамият ходимларини ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллади, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган холда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласди;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- амалдаги қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қиласди;
- “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Бошқарув Раиси ваколатига кируди бошқа масалалар юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қиласди.

10.10. Жамият бошқарувининг бошқа аъзолари “Ижроия органи тўғрисидаги Низом”, лавозим йўқриқномалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида жамият номидан иш кўришга ҳақлидирлар.

10.11. Бошқарув мажлиси бошқарув аъзоларининг камида эллик фоизи қатнашганда ваколатли хисобланади. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, у бошқарув раиси томонидан, унинг йўқлигига эса мажлисда раислик қилган бошқарув аъзоси томонидан имзоланади.

10.12. Бошқарув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган ҳолларда бошқарув раисининг қарори ҳал қилувчи хисобланади.

10.13. Жамият Бошқаруви ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тувиши лозим.

10.14. Жамият Бошқаруви қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

## XI. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси З кишидан иборат.

11.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари :

- жамият фаолиятига тегишли барча маълумотларни биринчи талаб килгандаёқ олиш;
  - жамият манфаатларига зид хавф юзага келганда ёки мансабдор шахсларнинг ўз мансабларини сунистеъмол қилган холатлар аниқланганда Кузатув Кенгашидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;
  - жамиятдаги ишламайдиган мутахассисларни шартнома асосида ўз ишига жалб қилиш;
  - жамиятда ишловчи ходимнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаган тақдирда жамият бошқарув органлари ҳамда тегишли бўлинма бошликларига ходимнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни кўйищ;
- 11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

- 11.4. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.
- 11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.
- 11.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.
- 11.7. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.
- 11.8. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдор бўлади.
- 11.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлик хамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш хамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи хамда баҳолайди.
- 11.10. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширали.
- 11.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.
- 11.12. Жамиятда кузатув кенгашига хисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслачатчиси лавозими жорий этилади.
- 11.13. Жамият корпоратив маслахатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.
- 12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.
- 12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.